

## **ФАРМАЦЕВТИКА СОҲАСИ РИВОЖИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ: МАВЖУД МУАММОЛАР, УСТИВОР ВАЗИФАЛАР**

**Алимджанов И.И., Нормоҳаматов Н.С., Набиев Т.А.**

*Тошкент фармацевтика институти*

Буюк мутафаккиримиз Абу Али Ибн Синонинг жаҳон илм-фани, хусусан, медицина ва фармацевтика ривожига қўшган ҳиссаси бебаҳо. “Ислом оламнинг энг машҳур файласуфи ва қомусий алломаси ҳамда инсониятнинг энг буюк мутафаккирларидан бири” деган унвонга сазовор бўлган Абу Али ибн Синонинг ҳаёти ва фаолияти бизларнинг қалбимизда алоҳида ғурур ва эҳтиром туйғуларини уйғотади. 16 ёшидан илмий тадқиқот фаолиятини бошлаган бу улуғ зот ўз умри давомида 450 дан ортиқ асар яратган. Улар тиббиёт ва фалсафа, мантик, кимё, физика, астрономия, математика, мусиқа, адабиёт ва тилшунослик соҳаларига бағишланган. Албатта булар қаторида мутафаккирнинг “Тиб қонунлари” асари кейинги бир неча юз йиллар учун тиббиёт таракқиётининг асосий йўналишларини белгилаб берган. Ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган ушбу асар орқали буюк олим амалий тиббиёт ва фармакология соҳаларининг энг муҳим усулларига асос солган. Бу асар қарийб 500 йил давомида дунёнинг етакчи университетларида ўқиб-ўрганиб келинган.

Дарҳақиқат, Ибн Сино бутун дунё эътироф этган буюк даҳодир. Абу Али ибн Синонинг бой илмий мероси ва унинг бугунги кундаги аҳамияти бекиёслигини эътироф этган ҳолда, биз авлодлар олдида унинг издоши бўлишдай фахрли ва ўз навбатида катта масъулиятли вазифалар ҳам турганлигини таъкидлаш лозим.

Албатта юқорида таъкидланган меъросга ворислик қилиш, аҳолини сифатли ва арзон дори воситалари билан таъминлаш, билимли ва тор соҳа кадрларини тайёрлаш каби вазифалар билан узвий боғланган. Шу маънода қатор йиллар давомида эришилган ютуқларга назар ташласак, маҳаллий фармацевтик ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилаётган дори воситалари сонининг ўсиш динамикасига эътибор қаратсак, 1995 йилда 20 турдаги дори воситаси маҳаллий ўзлаштирилган бўлса, 2000 йилга келиб, 300, 2005 йил 638, 2010 йил 1100, 2013 йилда 1265 ва 2017 йилга келиб, 2512 хилдаги дори воситаларининг маҳаллий фармацевтик корхоналар томонидан ўзлаштирилиши амалга оширилганини кўриш мумкин. Албатта бугунги кунда Республикамиз турли соҳаларда жадал ривожланишлар даврини бошидан кечирмоқда. Бу ўзгаришларга ўз муносиб ҳиссасини қўшиш учун эса фармацевтика соҳасида бир қатор камчиликлар мавжудлиги кўриниб қолди. Шу маънода, кейинги яқин йилларда аҳолини ва соғлиқни сақлаш муассасаларини арзон дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникалари билан таъминлаш тизимининг самарадорлигини оширишга қаратилган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан бугунги кунгача Республикамизда Ҳукуматимиз томонидан дори воситалар муомаласига бевосита ва билвосита боғлиқ бўлган 22 та қонун қабул қилинди. Ушбу қонунларнинг ижросини таъминлаш билан боғлиқ бўлган 17 та Президент Фармонлари, 25 та Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва бошқа қонун ости ҳужжатлар қабул қилинди. Улар жумласига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси фармацевтика саноатини жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-2911-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 июлдаги «Аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-3137-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 ноябрдаги «Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5229-сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 январдаги «Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-3489-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 15 февралдаги «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3532-сонли қарорларини киритиш мумкин. Мазкур қарор ва фармойишлар асосида ўтказилган ўрганишлар мазкур соҳада маҳаллий фармацевтика тармоғининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган айрим тизимли камчиликлар сақланиб қолаётганлигини кўрсатди. Булар жумласига:

- малакали мутахассисларни тайёрлаш масалаларига етарли эътибор қаратиш, фармацевтика тармоғи муассасаларининг илмий-тадқиқот фаолиятини замонавий талаблар даражасига кўтариш;  
- мавжуд илмий ишланмаларни амалиётда синовдан ўтказишнинг самарали тизимини яратиш, уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқиш соҳасида янги инновацион лойиҳаларни амалга ошириш бўйича етарли чоралар кўриш заруриятларидир.

Республика фармацевтика тизимида муҳим бўғинларда бири бўлган Тошкент фармацевтика институти жамоаси мазкур вазифаларни бажариш учун биринчи навбатда фармацевтика соҳаси ривожланган бир қатор хориждаги таълим муассасаларининг таркибий тузилиши ва уларда ўқитилаётган фанлар қиёсий тахлили амалга оширилди ва Тошкент фармацевтика институт таркибий тузилмаси, ўқув фанларига янги ўзгартиришлар киритиш борасида таклифлар ишлаб чиқилди.

Шунингдек, дарс жараёнида амалиётнинг ҳиссасини ошириш мақсадида талабаларнинг Республикадаги 20 га яқин илмий марказлар ва фармацевтика ишлаб чиқариш корхоналарида амалиёт ўтиш базалари билан шартномалар тузилди ва ўқув-илмий амалиётга татбиқ қилинмоқда. Амалиётда талабалар мавжуд замонавий технологик усуллар, фармацевтик ускуналар ва машиналар билан танишиб, уларда бевосита ўз кўникмаларини оширишмоқда.

Институтнинг мутахассис тайёрловчи - токсикологик кимё, фармацевтик кимё, фармакогнозия, ААФКК, дори воситаларини саноат технологияси, дори турлари технологияси, фармация ишларини ташкил қилиш, биотехнология, фармакология ва клиник фармация кафедралари ва дори воситаларини стандартлаш ўқув илмий маркази (ДВСИМ) билан илмий тадқиқот институтлари ва марказлари ўртасида инновацион-корпоратив ҳамкорлик гуруҳлари тузилди ва мазкур кафедраларда инновацион гуруҳлар томонидан шакллантирилган ягона ахборот базаси асосида бакалавр талабаларининг амалиёти ва магистрлик ишлари, докторлик диссертациялари бажарилмоқда. Турли мулкчилик шаклидаги 50 дан ортиқ дорихоналар, 16 та ишлаб чиқариш корхоналари, 9 та илмий тадқиқот марказлари билан ўзаро ҳамкорлик шартномалари тузилди.

Республикадаги фармацевтика соҳаси учун илмий изланишлар олиб борувчи илмий тадқиқот институтлари қошида институт кафедраларининг филиаллари ташкил этилди. Жумладан 2018 йил 14 март куни Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Геномика ва биоинформатика марказида Тошкент фармацевтика институти “Биотехнология” кафедраси, 2018 йил 16 март куни Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ботаника институти қошида ҳам Тошкент фармацевтика институтининг яна бир филиали очилди ва ўқув-машғулот лабораторияси билан таъминланди.

Замонавий фармацевтиканинг тор йўналишлари бўйича етук кадрларни тайёрлаш, институт илмий ва педагогик ходимларини хорижий фармацевтика корхоналарида малака оширишини ташкил этиш мақсадида Жанубий Кореянинг Чунгбук ва Чангвон Миллий Университетлари билан илмий техникавий ҳамкорлик келишувларига эришилди. Хиндистоннинг Фармацевтика таълими ва тадқиқот миллий институти (NIPER), Туркиянинг Эге Университети билан узаро илмий ҳамкорликка асос солинди. Дарс жараёнини чет тилида олиб боришни кучайтириш мақсадида педагог ходимларни чет тилини ўзлаштиришлари учун институт ички имкониятларидан фойдаланган ҳолда ҳафтада 3 кун ўқув курслари ташкил қилинди.

Давлат раҳбарининг фармацевтика соҳасидаги илмий ишланмаларни амалиётга бевосита жорий этишни жадаллаштириш мақсадида берган кўрсатмасида таъкидланган Тошкент фармацевтика институтида ўқув-илмий лаборатория ва тажриба-ишлаб чиқариш комплексини ташкил этиш масаласи ҳақиқатда “дастлабки фундаментал ғоя - тайёр оригинал дори” занжирида етишмаётган асосий ҳалқа ҳисобланади. Бу борада институт ҳудудидаги алоҳида бинони таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграциясини жадаллаштириш, илмий ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш муддатларини қисқартириш, ўқув-илмий лабораторияси ва тажриба-ишлаб чиқариш комплексини ташкил этиш мақсадида реконструкция қилиш режалаштирилмоқда. Бугунги кун ҳолатига кўра бино техник кўриқдан ўтказилган, ҳисоботлари тузилган ҳамда лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиб, зарурий сарф харажатлар бўйича таклифлар Республика Соғлиқни Сақлаш Вазирлигига тақдим этилган. Мазкур масаланинг ижобий ечими Тошкент фармацевтика институти талабаларининг ўқув-илмий амалиётини юқори даражага кўтариш, замонавий технологиялар билан ишлай оладиган кадрлар тайёрлаш билан бирга институт илмий жамоаси ишланмаларини муаллифдан ишлаб-чиқарувчига узатиш жараёнидаги ҳам ҳуқуқий ҳам ўз-ўзини моддий таъминлаш тизимини ишга тушишига олиб келади.

Илмий тадқиқотларни ҳақиқий оригинал дори субстанцияларини ишлаб чиқаришга йўналтириш борасида ҳам амалий ишлар қилинмоқда. Магистратура талабалари ва тадқиқотчи изланувчиларга илмий мавзу беришдан тортиб, давлат фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар мавзуларини танланаётганда уларнинг стратегик режалаштириш усуллари (SWOT анализ) орқали чуқур таҳлил қилиш, олдиндан ҳар бир изланишда вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларни ички ва ташқи имкониятлар ёрдамида ҳал этиш йўллари белгилаб олишни, уларнинг йўл хариталарини тузиш орқали ҳар бир босқичда назоратни қилиб боришни амалга оширилмоқда. Бу эса изланиш ва лойиҳаларнинг ярим йўлда, сифатсиз бажарилган ҳолида ташлаб кетилишидан ҳимоялайди.